

ХАБАРЛАР

Забайкальбеда ёқилғини талон билан сотиш тизими синовдан ўтказилмоқда

дақиқа аввал



Забайкальбеда ёқилғини QR-кодли карточкалар орқали сотиш тизимини синовдан ўтказиш бошланди. Бу карточкаларни фақат Мах мессенжери орқали олиш мумкин.

Ушбу иловадаги бот орқали кейинги кун учун вақт оралиғи ва ёқилғи турини танлаш талаб қилинади. Шундан сўнг навбатдаги талонни фақат олти кундан кейин олиш мумкин бўлади.

Ҳозирча бу тизим Чита шаҳридаги фақат битта ёқилғи қуйиш шохобчасида жорий этилади.

Челябинск шахрида эса ёқилғи қуйиш шохобчасидаги навбат вақтида ҳайдовчилар ўртасида жанжал келиб чиққан. Навбатсиз ёқилғи қуйишга уринган ҳайдовчига танбеҳ берилгач, у травматик тўппончасини чиқариб ўқ узган. Жабрланган шахс шифохонага ётқизилган, ҳужумчи эса қўлга олинган.

Вазиятни янада оғирлаштираётган омиллардан бири — Россиянинг энг йирик нефтни қайта ишлаш мажмуаларидан бири бўлган "Газпром нефтехим Салават" корхонасининг Украина ҳужумидан кейин ўз фаолиятини тўхтатганидир.

Reuters манбаларига кўра, корхонани таъмирлаш бир неча ҳафта ёки ҳатто бир неча ой давом этиши мумкин.

Бензин билан боғлиқ вазият мураккаблигини Кремлнинг ўзи ҳам инкор этмаяпти. Бир ҳафта ичида бензин нархи 2,3 фоизга ошган бўлса, йил бошидан бери ўсиш 16,4 фоизни ташкил этган.

Ўтган ҳафта йиғилишлардан бирида Путинга мини-нефтни қайта ишлаш заводларининг кенг тармоғини яратиш таклиф қилинган. Президент бу ғояни қўллаб-қувватлашини билдирган.